



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil «10» июнь

№ ПФ–90

### **Маъмурий ислохотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;**

**Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;**

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;**

**Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ;**

**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 7-иловага мувофиқ;**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини **трансформация қилиш** бўйича “**йўл харитаси**” 8-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)нинг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш бўйича штат бирликлари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига ўтказилсин ҳамда Вазирликнинг ушбу соҳадаги вазифа ва функциялари мазкур Инспекция томонидан амалга оширилсин.**

**3. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларини ривожлантиришда:**

**а)** 2026 йилгача бўлган даврга қадар қишлоқ хўжалигига ҳар йили 1 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 35 млрд АҚШ долларига етказилади ва ҳар бир гектар суғориладиган ердан олинадиган даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш бўйича дастурлар амалга оширилади;

**б)** ҳар йили Вазирлик томонидан аҳоли, саноат корхоналари ҳамда ички ва ташқи бозор талабини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичларини ҳамда уларнинг етишмаган қисмини ички имконият ҳисобига қоплаш юзасидан дастур ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланади;

**в)** 2023 йил ҳосилидан бошлаб ҳар йили Вазирлик дала четлари ва аҳолига деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш ишларини фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари кесимида ташкиллаштиришга кўмаклашади ҳамда маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларини ошириб боради;

**г)** қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг амалдаги механизмлари либераллаштирилади;

**д) 2023 йил якунига қадар:**

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларни турли хатарлардан ҳимоя қилиш ва барқарор даромад олишни кафолатлаш бўйича суғурталаш тизими яратилади;

қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий, ресурстежамкор техника ва технологияларни кенг жорий этиш учун лизинг операцияларни ривожлантириш ва рағбатлантириш чоралари кўрилади;

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган ижара ҳуқуқидан актив сифатида фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилади.

**4.** Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ Вазирлик тизимдаги раҳбарий фаолиятни яккабошчилик асосида ташкил этади ҳамда фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича ўз тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ўз ҳузуридаги ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда қўйидагиларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда унинг ҳузуридаги ташкилотларнинг марказий аппаратларини, штат бирликларини, харажатлар сметасини тасдиқлаш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, мол-мулкларини бошқариш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ўринбосарлари ва маслаҳатчиларини лавозимига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларига Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган, улардан фойдаланишдан тежаладиган маблағларни қонунчиликка мувофиқ қайта тақсимлаш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда унинг ҳузуридаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини жамғармалараро қайта тақсимлаш тартибини ва миқдорини белгилаш;

Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда унинг ҳузуридаги ташкилотларга халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар томонидан грантлар ва қарз маблағлари жалб қилиш ҳамда самарали ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш;

бошқа соҳадаги вазирлик, идоралар ва хусусий сектордан ишга жалб қилинган ходимларга кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устамаларни белгилаш.

**5. Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига** узумчилик ва виночилик соҳасида қўшимча вазифалар юклатилсин.

Бунда, Вазирлик бир ҳафта муддатда **Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг марказий аппаратида:**

**а)** озиқ-овқат саноати хизматлари ва инновациялар бўйича директор ўринбосари лавозимини таъсис этиш;

**б)** қуйидагиларни:

Алкоголь, тамаки саноатини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш мониторингини юритиш бошқармаси;

Инновацияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини таҳлил қилиш бўлими;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатига хизмат кўрсатиш бўлимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

**6.** 2023 йил 1 январдан бошлаб Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида ер тузиш ва мониторинг вазифалари юклатилган **657 нафар** ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

Бунда, ушбу харажатлар 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида, 2024 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**7.** Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб ер участкасининг ижара муддатига ҳисобланадиган қўшимча тўловларнинг 50 фоизи Вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига йўналтирилсин.

**8.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 10 июндан бошлаб:

**а)** Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан Инспекция ваколоти доирасидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқи берилади;

**б)** Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари, истисно тариқасида, **текширувларнинг “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда** амалга оширилади.

**9. 2024 йил 1 октябрдан** бошлаб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг зарарсизлантириш (фумигация) бўлимларининг экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) функцияси **хусусий секторга ўтказилсин.**

#### **10. Вазирлик:**

**бир ой муддатда** аграр соҳада **илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш** орқали сифат ва самарадорликни оширишга оид тегишли қарор лойиҳаси;

**икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг **озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишнинг 2023–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси;**

**уч ой муддатда** халқаро тажриба асосида қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига **мослашиш, унинг оқибатларини юмшатиш Миллий дастурини** ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **10-иловага мувофиқ** ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин;

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари **11-иловага мувофиқ** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**13.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

## **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятининг ўстувор йўналишлари**

**а)** қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, ветеринария, чорвачилик ва наслчилик-селекция, пиллачилик, яйловлардан фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

**б)** озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**в)** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

**г)** озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

**д)** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, шу жумладан яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш, ҳамда ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш йўналишларида вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

**е)** қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий шаклларини ривожлантириш;

**ж)** фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

**з)** қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллаш орқали илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

**и)** қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

**к)** замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишга қаратилган тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш;

**л)** соҳани жадал рақамлаштириш, жумладан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг барча босқичлари ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни қўллаш ҳамда геоахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинлар мониторингини юритиш, шунингдек, субсидия ажратишнинг шаффоф механизмини кенг жорий этиш.



**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



## Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ




\* Қўмита ўз фаолиятини мазкур уюшмалар билан ҳамкорликда олиб боради.

**Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
<b>I. Вазирлик ва идораларнинг аниқ асосий фаолият йўналишларини белгилаш, қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш</b>				
1.	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида эришилган кўрсаткичлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилган ҳолда соҳадаги ислоҳотларни янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2030 йилгача ҳар йили IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ҳар бир устувор йўналишлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар, индикаторларга эришиш ҳамда вазифалар ижроси таъминланади.
2.	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган концепция, стратегия ва “йўл хариталари”ни қайта кўриб чиқиб, таҳлил қилиш ва уларни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда маъмурий ислоҳотларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган концепция, стратегия ва “йўл хариталари” қайта кўриб чиқилади, таҳлил қилинади ҳамда улар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва маъмурий ислоҳотларига мувофиқлаштирилади.
<b>II. Соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг тизимли муаммоларини ҳал этиш</b>				
3.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари рўйхатини хатловдан ўтказиш ва Озиқ-овқат маҳсулотлари реестрини шакллантириш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Мамлакатда сифатли ва рўйхатдан ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш имконияти яратилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	Бунда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг миллий брендларини ривожлантириш ва истеъмолчиларни мамлакат истеъмол бозорида муомалада бўлган товарлар тўғрисида шаффоф маълумотлар билан таъминлаш чораларини кўриш.			
4.	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг “Product info” электрон тизимига Озиқ-овқат маҳсулотлари реестрини интеграция қилишни таъминлаш.	2024 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақобат қўмитаси	Республикамизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорт ҳажми оширилади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари реестрини шакллантириш рақамлаштирилади.
5.	Сирдарё вилоятида эксперимент тариқасида масъулияти чекланган жамият шаклида намунавий озиқ-овқат саноати паркинни ташкил этиш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи <b>норматив-ҳуқуқий ҳужжат</b> лойиҳасини ишлаб чиқиш: саноат паркиннинг ташкилий чоралари, молиялаштириш манбаларини белгилаш; саноат паркида амалга ошириладиган асосий фаолият дастурларини белгилаш; тадбиркорлик субъектлари учун саноат паркида бевосита ва рақамли хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш.	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Сирдарё вилоятида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратилади ва ишбилармонлик муҳити янада яхшиланади ҳамда эксперимент натижаларига асосан кейинчалик мазкур тизим бутун республикада жорий этилади.
6.	Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида Қишлоқ хўжалиги фундаментал тадқиқотлари маркази (Centre Of Excellence)ни ташкил этиш. Бунда, қурилиш ишларини Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган маблағлар ҳисобидан жаҳон стандартлари ва илғор хорижий давлатларнинг илмий марказлари андозасида амалга ошириш.	2023-2024 йиллар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий марказлар моддий-техник базаси мустаҳкамланади.



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
7.	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган яйловларни улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш) учун ажратишда қуйидаги тартибни жорий этиш:</p> <p>қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги бўйича компенсация тўловларини энг кўп тўлашни таклиф этган юридик ёки жисмоний шахсларга устунлик бериш;</p> <p>яйловлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш) натижасида ҳар йили ушбу ерларда йўлга қўйилган фаолиятни амалга оширишдан тушган даромаднинг 2 фоизини Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига йўналтириш мажбуриятини юклаш.</p> <p>Бунда, барча маблағларнинг 50 фоизини яйловлар деградациясининг олдини олиш ва деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш тадбирларини молиялаштириш учун йўналтиришни назарда тутиш.</p>	2023 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ипакчилик қўмитаси	<p>Яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан яйловларни қайта тиклаш, маҳсулдорлигини ошириш ва деградация жараёнларига қарши курашиш тадбирларини молиялаштириш манбалари мустаҳкамланади.</p> <p>Натижада мавжуд яйловлар биохилма-хиллиги яхшиланади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошади.</p>
8.	<p>Ҳудудлардаги озуқа-ем ишлаб чиқариш қувватларини таҳлил қилган ҳолда чорва мол бош сонидан келиб чиқиб, озуқа экинларини экишга рухсат бериш ҳамда омўхта ем ишлаб чиқарувчи илғор хорижий корпорациялар (Cargill, Alltech, PSM) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали халқаро стандартларга мос бўлган омўхта ем ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатини шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил 1 декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария қўмитаси	<p>Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга ва омўхта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қўшимча имкониятлар яратилади.</p>
9.	<p>Аҳолига деҳқон хўжалиги учун ажратилаётган ер майдонларида “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида фаолият юритишни рағбатлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва	<p>Ишлаб чиқариш – сақлаш – қайта ишлаш – сотиш занжирли тизими ривожлантирилади.</p> <p>Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтирилади ва аҳоли даромади ортади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
			томорқа ер эгалари кенгаши	Ишлаб чиқарувчилар билан бошқа тадбиркорлик субъектларининг кооперация алоқалари ривожланади.
<b>III. Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш</b>				
10.	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари зиммасига юклатилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, экинлар навларини синаш, уруғларини етиштириш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини мажбурий ва даврий синовдан ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан барча назорат ва мониторинг функцияларини <b>Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига</b> ўтказиш.</p> <p>Бунда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзагроинспекция	<p>Санаб ўтилган функциялар бўйича мониторинг ва назоратни амалга ошириш Инспекцияга ўтказилади ва шу орқали мазкур йўналишларда коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олди олинади.</p> <p>Мониторинг ва назорат қилиш соҳасида ваколатли орган ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилади.</p>
11.	<p>Қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилаётган субсидия маблағларининг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижадорлигини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилаётган субсидия маблағлари самарадорлиги оширилади.
12.	<p>Қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини ислоҳ қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда:</p> <p>“Қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини суғурталаш жамғармасини ташкил этиш;</p> <p>Қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини тўлиқ рақамлаштириш каби тадбирларни инobatга олиш.</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиги таъминланади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
13.	2023 йил ғалла ҳосилидан давлат ресурсларига сотиб олинadиган буғдой ҳажмлари ва харид қилиш механизмлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Ички ғалла бозори тартибга солинади ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади.
14.	Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалалар юзасидан муҳокамаларда иштирок этиш ва соҳа бўйича аъзо давлатларнинг саволларига асосланган жавоблар тайёрлаш.	Доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Жаҳон савдо ташкилотига мамлакат қишлоқ хўжалиги манфаатлари ҳимоя қилинади.
<b>IV. Тегишли соҳаларда давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йилдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш</b>				
15.	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, истеъмол ва захирага сақлаш бўйича томорқа хўжаликларида танланма кузатув сўровномаси ўтказилишини жорий этиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Статистика агентлиги	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш ва ушбу маҳсулотлар балансини ҳисоблаш учун маълумотлар манбаси яратилади. Кейинги йил истеъмоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экишга талаб этиладиган ер майдонлари ҳажми аниқланади.
16.	Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва истеъмоли балансини ҳудудлар ва туманлар кесимида ишлаб чиқиш методологиясини яратиш ва жорий этиш.	2024 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги	Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва унга бўлган талабни аниқлаш, етишмаётган қисмини импорт қилиш, прогнозларни шакллантириш имконини беради.
17.	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деҳқон бозорларида ва ушбу маҳсулотларни етиштирувчилар томонидан белгиланган нархларини танланма кузатув сўровномасини ўтказиш, ички ва ташқи бозордаги нархларни, экспорт ва импорт маҳсулотлари логистикасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича аутсорсинг тизимини жорий этиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон бозорлари, йирик савдо комплекслари ва ижтимоий тармоқлар савдо майдонларидаги улғуржи ва чакана нархлари мониторинг қилиниб, ишончли, холис маълумотлар олинади. Шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таъминоти ва захиралар ҳолатини ўрганиш, узлуксиз савдо

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
				шоҳобчаларига етказилиши юзасидан тегишли чоралар кўриш учун асос бўлади.
18.	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг зарарсизлантириш (фумигация) бўлимларининг экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) функциясини хусусий секторга ўтказиш.</p> <p>Бунда экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) тадбирларини амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган фаолият турларига киритиш.</p>	2024 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Карантин агентлиги	Экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) тадбирларини ўтказишнинг рақобат муҳити шаклланади ва хусусий сектор талабига мос хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.
<p align="center"><b>V. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (уларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш</b></p>				
19.	Маҳаллий уруғлик картошка етиштиришни кўпайтириш ҳамда супер элита ва элита уруғлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Кафолатланган юқори авлодли уруғлик картошка етиштиришни кўпайтириш орқали, импорт ҳажмини камайитиришга ҳамда фермер, деҳқон хўжалиklarини маҳаллий сифатли ва арзон уруғликлар билан таъминлашга эришилади.
20.	Фермер хўжалиklarини рўйхатдан ўтказувчи ваколатли орган – Давлат хизматлари марказлари маълумотлар базасига Кадастр агентлигининг маълумотлар базасини интеграция қилиш орқали, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларда ер ижара шартномасининг мавжудлиги ҳамда фаоллик ҳолатини ҳисобга олишни автоматлаштириш.	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги	3 мингдан ортиқ ер ижара шартномаси бўлган ва 20 мингга яқин ер ижара шартномаси бекор қилинган фермер хўжалиklarининг фаоллик ҳолатига аниқлик киритиш орқали ер эгаларининг рўйхатини тўғри шакллантиришга эришилади.
<p align="center"><b>VI. Вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан назорат функцияларини “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларни мувофиқлаштириш ва назорат функцияларини мақбуллаштириш</b></p>				

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
21.	<p>Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашувнинг олдини олиш ҳамда давлат органларининг такрорланувчи вазифаларини мақбуллаштириш мақсадида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг қишлоқ хўжалигига оид вазифа ва функцияларини қисқартириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар	Фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашувнинг олди олинади.
<p><b>VII. Вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг моделини такомиллаштириш</b></p>				
22.	<p>Қишлоқ хўжалигида илм ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолиятида замонавий инновацион агротехнологияларни кенг жорий этиш, билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида республиканинг барча ҳудудлари ва туманларида агрохизмат марказларини ташкил этиш.</p> <p>Бунда, агрохизмат марказлари:</p> <p>қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар билан шартнома асосида фаолият юритиб, корхоналарга агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ташкил этиш ҳамда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва ҳажмини оширишда;</p> <p>етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишда;</p> <p>қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарга ўз фаолиятида харажатлари ва даромадлари таҳлилини амалга оширишда ҳамда йил якуни билан корхонанинг молиявий ҳолати юзасидан аниқ ҳисоб-китобларни шакллантиришда кўмаклашади.</p>	2023–2024 йилларда	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари оширилади, улар фаолиятида илм-фан натижаларини кенг жорий этиш имконияти яратилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
23.	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Маъмурий хўжалик хизмати” давлат муассасаси фаолиятига хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, тизимдаги истиқболсиз ишлаётган объектлардан самарали фойдаланиш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, маҳсулотлар экспорти ва импортини ташкил этиш йўналишларида иш олиб бориб, ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказиш орқали <b>акциядорлик жамиятига айлантириш</b> бўйича тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил III чорак	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги</p>	<p>Ташкил этиладиган акциядорлик жамияти устав фондига маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган маблағлари долзарб инвестицион лойиҳаларга мақсадли йўналтирилади. Вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилишда улардаги давлат улушини камайтиришга эришилади.</p>
<p><b>VIII. Вазирлик ва идораларда ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида коррупция авж олган соҳаларда унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига “ташхис қўйиш” ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш</b></p>				
24.	<p>Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ихтисослашувини ўзгартиришни назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>Бунда, қуйидагилар назарда тутилади: фермер хўжаликлари томонидан ихтисослашувини ўзгартиришнинг <b>соддалаштирилган тизимини жорий этиш</b>; фермер хўжаликларининг ихтисослигини ўзгартиришда ихтиёрийлик тамойилларига асосланиш.</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	<p>Фермер хўжаликларининг тадбиркорлик субъекти сифатидаги ихтисослигини ўзгартириш бўйича ҳуқуқларини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади, фермер хўжалиги томонидан ихтисослигини ўзгартиришда қонун бузилиши ҳолатларининг олди олинади.</p>
<p><b>IX. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш шу жумладан вазирлик ва идораларнинг иш жараёнини рақамлаштириш</b></p>				
25.	<p>Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилотлари, ҳудудий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш.</p> <p>Бунда, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:</p>	2023 йил III чорак	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақамлаштириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ишончли ва ягона маълумотларни шакллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштиришга эришилади.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасининг тегишли ахборот ресурслари базаларини Вазирликнинг ахборот тизимларига интеграция қилиш; ягона интеграциялашган “Аграр ва озиқ-овқат соҳасидаги вазиятни баҳолаш” электрон платформасини (кейинги ўринларда – электрон платформа) яратиш ва электрон рақамли имзога асосланган кенг қамровли ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш; электрон платформада ердан фойдаланиш, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш агротехнологик тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш, ташкил этилган деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар турлари, ҳажми, сақлаш, логистика ва сотиш занжири ҳақидаги, чорва моллари бош сони, уларнинг ҳаракати, насли қорамоллар ва паррандалар бош сони ҳақидаги, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол балансини умумлаштирилганлиги ҳақидаги ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш.</p>	<p>2023 йил IV чорак</p>		
<p>26.</p>	<p>Агросаноат мажмуида ягона “Агроплатформа” ахборот тизимини жорий этиш. Бунда: “Агроплатформа” ахборот тизимини Кадастр агентлигининг ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар базалари билан ўзаро интеграция қилиш; қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлиги (бонитет бали), шўрланиш, озуқа элементлари билан таъминланганлик даражаси ва норматив қиймати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва жойлашуви (геолокацияси) ҳамда қишлоқ</p>	<p>2023 йил IV чорак</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>“Агроплатформа” АТни жорий этиш орқали экин экишдан тортиб ҳосил йиғиб териб олингунгача бўлган занжирдаги амалга ошириладиган барча агротехник тадбирлар жараёнларини рақамлаштириш, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш, бунда қоғоз кўринишидаги ҳужжат алмашувидан воз кечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар учун имтиёзли кредит ажратиш жараёнини автоматлаштириш ва у орқали молиялаштириш жараёнининг шаффофлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>хўжалиги экинлари мониторинги кўрсаткичларини акс эттириш; қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бўйича қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб бориш; “Агроплатформа” АТ орқали тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишда ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда электрон тақдим этишни йўлга қўйиш; Вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан қишлоқ хўжалиги субъектларига субсидияларни “Агросубсидия” ахборот тизими орқали ажратиш.</p>			<p>етиштирувчилар ҳамда тизим фойдаланувчилари учун ҳосил вегетацияси мониторинги маълумотларини онлайн тақдим этиш таъминланади.</p>
27.	<p>Барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари ва дурагайлари давлат нав синовидан ўтказишда электрон идентификациялаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг нав ва дурагайлари мажбурий тартибда синовдан ўтказиш тизимини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, нав синовидан ўтказиш жараёнларининг ҳар бир босқичи махсус онлайн ахборот тизими орқали юритилишини жорий қилиш.</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	<p>Мазкур тизим орқали қуйидагиларга эришилади: қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини синовдан ўтказиш халқаро илғор тажрибага мувофиқлаштирилади; қишлоқ хўжалиги экинларининг нав ва дурагайлари генетик софлиги сақланиб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларида самарали қўлланади; ишончлилик (сифат) кўрсаткичлари текширилади ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади. Шунингдек, давлат нав синовига тақдим этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари ва дурагайлари махфий идентификация кодларини бириктириш ва электрон реестр шакллантириш орқали шаффоф тизим жорий қилинади.</p>



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
28.	Аҳолига деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун 2022–2023 йилларда ажратилган ер майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларининг шаффоф ҳисоби юритилишини рақамлаштириш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Статистика агентлиги	Деҳқон хўжалигини юритиш учун аҳолига ажратилган экин ерларида етиштириладиган маҳсулот турлари ва ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади.
29.	Фермерлар ва кластерларга геоахборот технологиялари ва ерни масофадан зондлаш технологияларига асосланган хизматларни кўрсатишга мўлжалланган платформани ишлаб чиқиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги	Фермер ва кластерлар фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мустақил равишда мониторинг қилиш, муаммоларни эрта аниқлаш ва тадбирлар бўйича тавсияларни бериш тизими яратилади. Бунда геоахборот ва ерни масофадан зондлаш технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилади, мультиспектрал индекслар ёрдамида таҳлиллар автоматик тарзда амалга оширилади, давлат идораларининг маълумотлар базаларидан фермер ва кластерларнинг манфаатларида фойдаланилади.
30.	Вазирлик ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасаси ташкилий-ҳуқуқий шаклини давлат унитар корхонасига ўзгартириб, IT-Park резиденти сифатида фаолият юритилишини таъминлаш.	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақамлаштириш вазирлиги	Марказ фаолиятига инвестициялар жалб этилади, давлат-хусусий шериклик ривожлантирилади, хизматларни тижоратлаштириш орқали соҳани рақамлаштириш жадаллаштирилади ҳамда халқаро тоифадаги IT мутахассислар жалб этилади.
<b>Х. Соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий маҳорати ва масъулиятини ошириш, тизим ташкилотларига ташаббускор, фидойи, садоқатли, ўз устида доимий ишлайдиган кадрларни жалб қилиш ҳамда уларнинг салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш</b>				
31.	Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг малака ошириш курсларини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларни илғор хорижий давлатларда малака оширишга юборишни назарда тутиш.	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ривожланган давлатлар тажрибаси ва янги ноу-хаулар билан танишиб борилади. Бу ўз ўрнида замонавий бошқарув тизимига ўтишга ёрдам беради.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
32.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ходимларни очиқ танлов орқали ишга жалб қилишда танлов жараёнларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳудудларда танлов сифатини ошириш.	Доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	Соҳада белгиланган вазифаларга эришишни таъминлаш учун зарур малака ва кўникмага эга бўлган муносиб кадрлар билан таъминланади.
33.	Ходимлар ҳисобини юритишни рақамлаштириш ва "hrm.argos" дастурини амалиётга қўллаш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Инсон омили камайтирилиб, ходимлар ҳисоби марказлаштирилган ҳолда рақамлаштирилиши таъминланади. Штатлар сони мақбуллаштирилади.
34.	Хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда Вазирлик тизимидаги ходимларнинг касбий билими ва малакасини ошириш, қайта тайёрлашни ўқув режа дастурлари асосида ташкил этиш. Ўқув қамровини кенгайтириш мақсадида масофавий "hr.agro" платформасини такомиллаштириш, мавжуд эҳтиёжга асосан ўқув контентлари билан бойитиш.	Доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Вазирлик тизимидаги ходимларнинг билим ва касбий маҳоратлари доимий равишда ошириб борилади. Соҳани ривожлантириш, белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун кадрлар салоҳияти оширилишига эришилади, халқаро тажриба ва инновацион ютуқлар амалиётга қўлланилади.
<b>XI. Вазирлик ва идораларнинг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш, улар таркибига киритилган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш</b>				
35.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекция фаолиятини трансформация қилиш. <b>Бунда:</b> Вазирлик ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекция фаолиятини функционал баҳолаш орқали соҳада хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида қўшилган қиймат занжирининг барча босқичларини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришни тартибга солишда Вазирликни масъул орган сифатида белгилаш;	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларида бошқарув тизимининг янги механизмларини жорий қилиш таъминланади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	<p>Вазирлик ҳузурида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилишнинг янги замонавий тизимини жорий қилиш; илғор халқаро тажрибалар ва давлат органлари фаолиятини баҳолаш асосида қишлоқ хўжалиги субсидиялари ва қўллаб-қувватлаш тўловларини бошқариш бўйича <b>Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тўловларини бошқаришнинг ягона тизимини</b> яратиш.</p>			
36.	<p>Тошкент вилояти, Университет кўчаси, 2-уйни Тошкент давлат аграр университетига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш.</p>	2023 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давактив агентлиги	Тошкент давлат аграр университетининг моддий-техника базаси мустақамланиши таъминланади.
<p><b>XII. Қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-бирига мувофиқлаштириш</b></p>				
37.	<p>Қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2023 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	<p>Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади, бунда: Вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари номлари билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади; бир-бирини такрорловчи вазифа ва функциялар чиқариб ташланади; нормувофиқликлар бартараф этилади; ўз аҳамиятини йўқотган, эскирган ва бугунги кунда ишламайдиган нормалар чиқариб ташланади.</p>
38.	<p>Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ваколати доирасидаги қонунчилик талабларини</p>	2023 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзгагроинспекция	<p>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш ваколатли орган сифатида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
	бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқи билан боғлиқ вазифа ва функциялар Агросаноат мажмуи ўстидан назорат қилиш инспекциясига ўтказилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			инспекцияси томонидан амалга оширилиши таъминланади.
39.	Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ҳар беш йилда ва давлат нав синаш участкалари ва тажриба хўжаликлари учун ҳар уч йилда тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ўтказилмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Карантин агентлиги, Ўзагроинспекция	Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини ва давлат нав синаш участкалари ва тажриба хўжаликларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ўтказилиши ва сифатли маҳсулот ҳамда уруғлик етиштириш таъминланади.
40.	Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунига барча қишлоқ хўжалиги экинлари нав ва дурагайларини Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги талабни жорий қилиш бўйича ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги экинлари нав ва дурагайларининг синови халқаро илғор тажрибага тенглаштирилади, экинларнинг нав ва дурагайларини генетик софлиги сақланади, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос ва юқори ҳосилдор ва сифатлилари танланади.
41.	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ва виночиликни ривожлантириш агентлиги Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг вазифа ва функциялари ўзгарганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритиш.	2023 йил август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Давлат бюджети параметрларининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги таъминланади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул вазирлик ва идоралар	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
42.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасининг манбаларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил июль	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси фаолияти тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 июндаги ПФ–90-сон Фармониغا  
9-илова

## **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар**

### **1. Белгилаб қўйилсинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан:**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппарати ходимларига кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффицентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда устама тўланади:

- 1 йилдан 5 йилгача – 0,2;
- 5 йилдан 10 йилгача – 0,3;
- 10 йилдан 15 йилгача – 0,4;
- 15 йилдан 20 йилгача – 0,6;
- 20 йилдан 25 йилгача – 0,8;
- 25 йилдан ортиқ – 1,0.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Вазирлик тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ходимларига кўп йиллик хизмат учун рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффицентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда устама тўланади:

- 1 йилдан 5 йилгача — 0,2;
- 5 йилдан 10 йилгача — 0,3;
- 10 йилдан 20 йилгача — 0,4;
- 20 йилдан ортиқ — 0,6.

**2. 2024 йил 1 январдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппарати ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти – 1,8 бараварга, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида – 1,4 бараварга оширилган миқдорда қўлланилади.

**3.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тартиби чиққунга қадар, Вазирлик тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари, тизим ташкилотларининг марказий аппарати ходимлари учун Вазирлик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, Вазирлик тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари қўлланилади.

Бунда, Вазирлик, унинг тизимидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва тизим ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини тегишлилиги бўйича бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш улар фаолиятининг натижадорлиги (KPI) ва эришилган ютуқларига қараб амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5696-сон Фармонида:

**а)** 1-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси)” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш,” сўзлари “ветеринария ва чорвачилик соҳасида” сўзлари билан алмаштирилсин;

**б)** 2-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**в)** 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликни барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун масъул республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади”.

**г)** 4-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ҳамда 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**д)** 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6059-сон Фармонида:



**а)** 4-банддаги “Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

**б)** 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“пиллачилик ва қоракўлчилик соҳасини ривожлантиришни таъминлаш”;

**в)** 10-банднинг биринчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:”;

**г)** 2-илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган яйловларда 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида қоракўлчиликни ривожлантиришнинг **МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**”.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3026-сон қарори 8-бандининг иккинчи хатбоҳисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон қарорининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Белгилансинки, Жамфарманинг ижро этувчи аппарати, жумладан марказий аппарати ва ҳудудий вакиллар штат бирликлари миқдори Жамфарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади. Бунда Жамфарма иш ҳажмидан келиб чиқиб, Васийлик кенгашига Жамфармага қўшимча штат бирликлари жалб этиш ҳуқуқи берилсин”.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3703-сон қарори 2-бандининг тўққизинчи хатбошисида ва 4-бандда “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4015-сон қарори 14-бандининг учинчи хатбошиси ва 23-банддаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4246-сон қарорида:

**а)** 2-банднинг биринчи хатбошисида “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг” сўзлари “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**б)** 3 ва 5-бандлар ҳамда қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4254-сон қарорида:

**а)** 1-бандда:

иккинчи – ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**б)** 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги рус тилидаги матнда “Государственного комитета” сўзлари “Комитета” сўзлари билан алмаштирилсин;

**в) 3-бандда:**

иккинчи – олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг” сўзлари тегишинча “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**г) 4, 5 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;**

**д) 9-банддаги “Агентликнинг бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказлари директорларига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқларига” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**е) 10-банддаги “Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**ж) 13-банддаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлик” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**з) 14-банддаги “Агентлик” сўзи “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**и) 16-банддаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;**

**к)** 18-банддаги “Агентлик бош директори” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**л)** 1 – 13-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида Чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3283-сон қарори 2-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 6-банднинг учинчи хатбошисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида Чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4512-сон қарорида:

**а)** 5-банднинг иккинчи хатбошиси ва 14-банд “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**б)** 17-банддаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси,” сўзлари билан алмаштирилсин;

**в)** 1-илованинг учинчи хатбошисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**г)** 2-илованинг 6-позицияси “Масъуллар” устунисидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ветеринария қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 ноябрдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳасини амалга

оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4538-сон қарорида:

**а)** 2-банднинг учинчи хатбошидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

**б)** 4-илованинг 12, 12.1, 12.2 ва 13-позициялари “Чора-тадбирларнинг номланиши” устунидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ветеринария қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4576-сон қарорига 1-илованинг 2-бандидаги “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ–4817-сон қарорида:

**а)** 1-бандда:

иккинчи – тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

**б)** 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**в)** 1 – 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–52-сон қарорида:

**а)** 8-бандда:

биринчи хатбошидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг” сўзлари “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши ва 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**б)** 19-банднинг биринчи хатбошисидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартдаги “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–103-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси “рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган” сўзларидан кейин “ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошмаган” сўзлари билан тўлдирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 433-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 7 июндаги 433-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгашининг**

#### **ТАРКИБИ**

Ганиев Ш.М.	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, <i>Васийлик кенгаши раиси</i>
Хаитов А.А.	–	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, <i>Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари</i>
Мухитдинов Э.М.	–	камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосари
Каримов А.Р.	–	иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
Рахимов А.А.	–	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг ўринбосари
Аманов И.	–	АТБ “Агробанк” раиси ўринбосари
Сулаймонов Р.	–	АТБ “Микрокредитбанк” раисининг ўринбосари

- Рашидова Г.А. – АТ “Халқ банки” раисининг ўринбосари
- Саттаров Т.А – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижрочи директори, *Васийлик кенгаши аъзоси ва масъул котиби.*

Изоҳ: Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, собиқ аъзоларнинг вазифалари ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар зиммасига юкланади”;

б) 3-иловада:

7-банднинг еттинчи хатбошисидаги “Молия вазирлигига” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

17-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги ва томорқа хизмати корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналарни харид қилиш ва ўрнатишга 36 ойгача имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунда, кредит 60 фоизининг гаров таъминоти сифатида ўрнатиладиган қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналар олинади, 40 фоизининг гаров таъминоти сифатида уларни қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси олинади, шунингдек, кредит суммаси ташаббускорларга қуритиш цехи ва совуткичли омборхоналар ўрнатиб берилгандан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади”;

саккизинчи – йигирма бешинчи хатбошилар тўққизинчи – йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатида:

**а)** қуйидаги мазмундаги 142<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

“	142 <sup>1</sup> .	8424821000	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон
---	--------------------	------------	---

		Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар ҳисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун ёмғирлатиб суғориш қурилмалари (стационар ва мобил ёмғирлатиб суғориш тизимлари)
--	--	--

”;

**б)** қўйидаги мазмундаги 143<sup>1</sup>- позиция билан тўлдирилсин:

“

143 <sup>1</sup> .	8424900000	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар ҳисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун суғориш қурилмалари (стационар ва мобил ёмғирлатиб суғориш тизимлари) бутловчи ва эҳтиёт қисмлари
--------------------	------------	---

”.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 июндаги ПФ–90-сон Фармониغا  
11-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5690-сон Фармони 4-бандининг тўққизинчи хатбошиси.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5708-сон Фармонининг 1, 4, 5, 7, 9 ва 10-бандлари.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6061-сон Фармоннинг 10-банди ва 1-иловаси.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ–6217-сон Фармониغا 1-илованинг 3-банди.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ–6259-сон Фармониغا илова 5-бандининг “б”, “в”, “е”, “ж” ва “з” кичик бандлари.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6262-сон Фармониغا 3-илованинг 10-банди.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4938-сон қарорига 8-илованинг 28-банди.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5006-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 1 – ба-иловалар.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–17-сон қарорининг 13-банди ҳамда 6-иловаси.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–277-сон қарорига 5-илованинг 3–7-бандлари.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 753-сон қарорининг 1-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошилари, 1 ва 3-иловалари.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 833-сон қарорига 5-илованинг 9-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 471-сон қарорига 3-илованинг 12-банди.

